

САЛИМЖОН ҲАМРОҚУЛОВ

ЯЙПАН:
ҲАЁТ ВА ТАҚДИР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2012

УДК: 94(575.1)
ВВК: 84(5Ўзб)7-44
Ҳ-24

Ҳамроқулов С. Яйпан: Ҳаёт ва тақдир/Хотиралар, ҳикоялар. –Т.: «Янги аср авлоди», 2012. 188 б.

ISBN 978-9943-08-869-6

Ушбу китобда аجدодларимиз ҳаёти, миллат, элат ва уруғларнинг номи, қишлоқ номларининг келиб чиқишида уларнинг ролига эътибор берилган. Давлатботир қишлоғи тарихи мисолида бошқа қишлоқларнинг саодатли ва аянчли кунлари, мустақиллик шарофати билан элнинг зулматдан зиёга юз тутганлигига урғу берилади. Бу фикрлар, жумладан, «Қораёзибобо» фермер хўжалиги мисолида ёри-тилади.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК: 94(575.1)
ВВК: 84(5зб)7-44

Масъул муҳаррир:
Насибахон ҲОЖИМАТОВА

Тақризчилар:
Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Рустамжон ХОЛМАТОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-08-869-6

© Салимжон Ҳамроқулов, «Яйпан: ҳаёт ва тақдир». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон тумани – Фарғона водийсининг ўзига хос тарихга эга бўлган сўлим гўшаларидан бири. Муаллиф ушбу рисолада олис мозийдан ҳозирги қадар даврда элат ва уруғлар тарихи, уларнинг топонимикада тутган ўрнини ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Илмий тилда топонимлар деб аталувчи жой номлари атоқли отларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Улар кишиларнинг кундалик турмушида, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида зарур бўлган восита ҳисобланади.

Жой номларининг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Номлар ёзув ва китоблар пайдо бўлмасдан олдин яратилган ва халқ тилида ишлатилган.

Жойга номни халқ беради. Халқ жой номларининг ижодкори, яратувчисидир. Жойларга бежиз ва бесабаб ном берилмайди, ном беришнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, баъзи топонимлар аҳолининг ўтмишдаги этник таркиби қайси уруғ, қабила, қавмга мансублигига алоқадор ҳолда вужудга келган бўлса, айримлари жойнинг табиий географик шароити, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, ернинг рельефини акс эттирувчи сўзлар асосида номланган.

Муаллиф қишлоқларнинг келиб чиқиши ва номланишини икки қисмга бўлади: Қўқон хонлигигача (1709) ва ундан кейинги давр. Ўз навбатида, бу тўғри қилинган, деб ўйлайман. Чунки Қўқон хонлиги давригача қишлоқлар сув йўллари яқин жойларга (булоқ, сой, ариқлар бор) ўрнашиб, номлар асосан уруғ, қабила, қавм (Найман, Кенагас, Жаловир, Минглар, Қирқлар, Қатағон, Манғит, Овчи, Қарға, Тўрғай, Авғон, Ғалча ва бошқалар) номи билан ёки табиий географик шароит (Оқёзи, Сарикёзи, Қораёзи, Қумариқ, Тошқишлоқ, Қақир, Ойдинбулоқ, Жийда, Тўптол, Оқтепа, Шўрқишлоқ ва ҳ.к.)га қараб номланган.

Эски ўзбек тилида оқ, қора, сариқ сўзлари олд қўшимча сифатида «оқ» – кичик, «қора» – катта маъносида (Оқтепа, Қоратепа) ишлатилган. Муаллиф шундан келиб чиқиб,

«Оқёзи», «Қораёзи», «Сариқёзи» сўзларига тўғри таъриф берган.

Сўх дарёсининг Ўқчи ва унинг атрофидаги қишлоқларга шу кенгликлардан ариқлар ёрдамида сув олиб ўтилган ва ҳар бир ариқ қишлоқ номи билан аталган. (Нурсух ариқ, Яйпанариқ, Элчиариқ, Қудашариқ, Бешкапаариқ, Шумқорариқ ва бошқалар). Қишлоқларда ариқлар мунтазам тозалаб борилган ва сув ёқаловчи, тақсимловчи мироблар тайинланган. Катта Фарғона канали (1939), Сариқўрғон сув тақсимоти (1947), Қўқон сув иншооти (1958), Нурсух бетон ариғи (1959), Томоша, Тўқай бетон ариқлари (1960–1965) ишга тушиши муносабати билан қишлоқ ариқларининг роли камайиб, 1960–1975 йиллари экин ерларига қўшиб юборилди.

Қўқон хонлиги даврида (1709–1876) хонликка садоқат билан хизмат қилган нуфузли одамларга асосан қишлоқ ариқлари ўтган Қораёзи ва Оқёзи ҳудудларидан чек берилган, келгусида бу чеклар ўрнида ташкил топган қишлоқлар чек эгаси номи билан аталиб келинмоқда (Қулибек, Сўпидашт, Даштҳасан, Даштчўлпон, Кўрназар, Қозикалон, Қозиюл қуззот, Ҳотамтой, Ражабгарди, Давлатботир, Қурбонмерган, Тўхлимерган, Аширқулмерган, Бобоҳўжа, Сулаймон, Ботирбой ва бошқалар). Ғалча қишлоғи ғалча уруғига берилган чекдир.

Хуллас, жой номлари ҳам маънавий қадриятларимизнинг бир бўлаги, халқимиз ақл-заковатининг маҳсулидир. Биз топонимларни маданий ёдгорлигимиз, бойлигимиз сифатида қадрламоғимиз ва эъозламоғимиз керак. Жой номларини ўрганиш табиий муҳитга, она-Ватанга, ўтмиш тарихимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада юртдошим Салимжон Ҳамроқулов шарафли, шу билан бирга қийин ишга қўл урган ва олдига қўйган вазифани удалашга эришган.

*Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.*

МУАЛЛИФДАН

Миллий истиқлол том маънода ватанимиз, миллатимиз тарихида туб бурилиш нуқтаси бўлди. Биз буюк келажагимизни ўз қўлимиз билан яратар эканмиз, аجدодларимиз ким бўлганлигини, улар қачондан буён бу сарҳадларни ватан тутиб, жараёнлар силсиласи давомида маънавий, руҳий қиёфаси, турмуш тарзи қандай ўзгаришларга учраб борганлигини билсак, истиқлол моҳиятини янада чуқурроқ тушуниб, унга қайта-қайта шукрона айтгимиз келади.

Мени қишлоқлар ва уларнинг номлари, келиб чиқиш тарихи қизиқтириб, доимо изланишга чорлар эди. Бу эса аجدодларимиз, улардаги элат, қабила, уруғлар тарихини тадқиқ этишга ва миграциясини ўрганишга етаклаб келди, баъзи саволларимга жавоб топгандек бўлдим.

Ўзбекистон тумани ва унинг атрофида жойлашган айрим қишлоқларнинг тарихи, жумладан улар номларининг келиб чиқиши Қўқон хонлигига қадар ва хонлик даврига боғлиқ бўлганлиги боис, хонлик тарихи турли манбалар орқали қисқача ёритилди.

Яқин тарихимиз юзасидан китобхонда тасаввур тўлароқ бўлиши учун Давлатботир қишлоғи тарихи ва унинг мисолида мустабид советлар ҳукмронлиги, зулм ва зўравонлиги гувоҳлар хотираси асосида ёритилганлиги ўтмишга ойдинлик киритади, навқирон авлод эса ота-боболарининг азобли, аянчли ҳаётини оз бўлса-да тасаввур қилади.

Ҳаёт асрлар оша давом этиб келмоқда, лекин ҳар бир инсон тақдири бир-биридан фарқ қилади. Менинг тақдиримга аجدодларим орзу қилиб келган истиқлол ноил бўлди. Рисоладаги изоҳли луғат китобхон дунёқарашини янада бойитади, деган умиддаман.

Китобда таниқли олимлар, ёзувчиларнинг асарларидаги айрим маълумотлардан фойдаланилди, бунинг учун уларга миннатдорчилик билдираман.

ИБОБ АЖДОДЛАР НИДОСИ

*Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини
унутган миллатнинг келажаги йўқ.
И. КАРИМОВ.*

САКЛАР ХИТОЙ ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА¹

Марказий Осиёнинг қадимги халқлари тарихига доир тадқиқотлар орасида хитой олимларининг хизмати алоҳида ўрин тутади.

Хитой олимларнинг тадқиқотларига кўра, саклар яшаган ҳудуд доирасига Шарқий Туркистон, ҳозирги марказий Осиё давлатлари замини ва унинг ғарбдаги жойлари кирган.

Хитой тарихчи олимларининг маълумотларига кўра, милоддан аввалги 176–125 йиллари орасида ҳунлар кучайиб, рўзийлар ва саклар ери бўлган Бақтрияни босиб олади. Улар ҳозирги Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ерларидан шимолий Афғонистон ва Кашмирга кўчишган. Ўз юртидан кета олмай қолган рўзийлар ва саклар ҳунлар билан қўшилиб кетади.

Қадимги «Сак» ҳозирги хитой тилида «Сай» талаффузида ўқилади.

Хитойдаги «Сўзлар денгизи» номли энциклопедик луғатда «Сак» (Сай) қадимий халқ номи бўлиб, кўчиш жараёнида уларнинг бир қисми Эроннинг шарқий қисмига жойлашган. Бу ердаги Сейстон «сак» сўзидан келиб чиққан.

Сакларнинг биринчи марта кўчишига милоддан аввалги VI асрдаги форс ҳукмдорлари ва IV асрдаги юнон ҳукмдори Александр Македонский қўшинларининг сакларга қилган ҳужумлари сабаб бўлган эди. Саклар чорвачилик билан

¹ А.Хўжаев. “Соғлом авлод учун” журнали. –Т.: 2009 й. № 4. 20-29-бетлар.

шуғулланган ва кенг далаларда яшаган халқ бўлганлиги ту-
файли, атрофидаги кучли давлатлар босими билан улардан
узоқлашиб, биринчи марта ғарбдан шарққа кўчган бўлса,
сўнг яна шарқдан ғарбга кўчишга мажбур бўлишган. Кўчиш-
лар жараёнида саклар кўп талафот кўрган бўлса-да, лекин
душманга мағлуб бўлмаган. Кўчишлар жараёнида саклар бир
қанча қисмларга бўлиниб кетган.

Мазкур бўлақлар кўчиб борган жойларда маҳаллий қар-
дош этнослар билан араллашиб, янги номлар билан аталган
этник гуруҳлар пайдо бўлган.

Жумладан, Байкал кўли атрофида яшаган қирғизлар ана
шундай этник гуруҳларнинг биридир.

Шийе Зунгчйенгнинг ёзишича, қирғизлар саклар билан
динглинглар (қадимий турклар)дан бир қисмининг арала-
шиши натижасида пайдо бўлган.

Ванг Чжилайнинг ёзишича, милоддан аввалги VI–V аср-
ларда форсийлар сакларни уч гуруҳга бўлишган.

Биринчи гуруҳ саклар Фарғона водийси, Помир ва ҳозир-
ги Тожикистоннинг шарқи-шимолида;

Иккинчи гуруҳ саклари Қирғизистон ва Жанубий Қозо-
ғистон, Помирдаги Тошқўрғон, Балхаш кўлининг жануби-
да, Чу ва Талас дарёлари бўйларида;

Учинчи гуруҳ саклар Амударёнинг шимолида Орол ден-
гизининг жануби-шарқий томонида ва Сўғдиёна заминида
жойлашган.

Волга дарёсининг шарқий томонидаги халқлар ҳам сак-
лар тоифасидан бўлган. Милоддан аввалги II асрда саклар
авлоди шарқ томонда кенг тарқалган бўлиб, Хитой чегара-
сигача бўлган жойларда яшаган. Ундан ҳам қадимроқ давр-
га эътибор берсак, Хитойнинг шимолий ва ғарбий томон-
ларида тийек (ҳозирги ўқилишида ди) деб номланган халқ
яшаган. Тийек (ди) этноними эса турк атамасининг хитой-
ча транскрипциясидир.

Қозоқ халқи этногенези ва маданияти билан шуғуллан-
ган Хитой олими Су Бейхай манбаларини таҳлил қилиб,
саклар туркий тилда сўзлашган, Марказий Осиёнинг шарқ-
ий томонидан ғарбий томонига кўчгандан сўнг уларнинг

тилида ўзгариш юз берди, эронликларга яқин жойда яшаганлари форсий тилда гаплашадиган бўлди, яйловларда истиқомат қилганлари ўз тилини сақлаб қолган, деган хулосага келган.

Археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, саклар чуқур кўзли ва қирра бурун бўлган. Или дарёси бўйида яшаган саклар учли қалпоқ кийган.

Хитой олимларининг ёзишича, «Саклар жуда қадимий халқ, улар милоддан аввал Сирдарё шимолида, Или дарёси қирғоқларида яшаган ва асосан чорвачилик билан шуғулланган. Ҳаракатланиш учун аравадан фойдаланган. Эркак ва аёллар бир хилда отга минган ва отда чопиб кетаётиб, камон отишни яхши билишган».

Хитой олимлари маълумотлари билан Қанғкийа давлатига оид маълумотларни солиштирган ҳолда таҳлил қилиб кўрилса, мазкур давлатнинг фуқаролари асосан саклар бўлган, деган фикр келиб чиқади.

ҚАНҒ ДАВЛАТИ ²

Қанғ давлати, Қанҳа (қадимий Хитой манбаларида Қангкия, замонавий ўқилишда Қангжюй, рус адабиётида Кангюй) – қадимда Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган давлат (мил. авв. III–мил. V аср ўрталари). Айрим адабиётларда ушбу давлат аҳолиси ҳам унинг номлари билан аталади.

Карим Шониёзовнинг фикрича, Қанғ давлати шарқда Фарғона (Даван, Дайюан), шимоли-шарқда Усун (Уйсун) давлатлари, шимоли-ғарбда Сарису, ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқими билан чегарадош бўлган. Хитой манбаларига кўра, Қанғ давлатининг жанубий ҳудудига ҳозирги Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўрғон ва Урганч туманлари кирган бўлиб, унинг чегараси Амударёга бориб тақалади. Жанубда Дайрўзиё (Даюэчжи) давлати

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: 2005. 10-жилд. 600-бет.

жойлашган. Кушон подшолигининг ташкил топиши ва унинг ҳудуди кенгайиши муносабати билан Қанғ давлатининг жанубий чегараси ўзгарган. Шу туфайли милоддан аввалги II асрда Хитой элчиси Чжан Цянь фарғоналиклар ёрдамида Қанғ давлати орқали Дайрўзиё (Даюэчжи) давлатига борган. Қанғ давлатининг қишки пойтахт шаҳарлари Битян ва Сушиё эса ҳозир Паркент туманининг Сўқоқ (Сукеэке) номли жойига тўғри келади. Қанғ ҳукмдорининг ёзги қароргоҳи Иссиққўл бўйлаб, ҳозирги Қорақўл (Пржевальск) ёнида бўлган. Қанғ давлатининг қўшини 80-90 минг жангчини ташкил этган. Қанғ давлати аҳолисининг урф-одатлари Рўзиё (Юэци) давлати аҳолиси урф-одатидан фарқ қилмаган. Ўз навбатида, рўзиёликларнинг урф-одатлари хунларникига ўхшаш бўлган. Қанғ давлати ҳукмдори ва Хун хоқонлиги тангриқути ўртасида қудачилик муносабатлари ўрнатилган. Шу туфайли хитойлар хунлар устидан ғолиб чиқиб, уларни ўз жойларидан сиқиб чиқарганида, хун хоқони ўз авлоди билан Қанғ давлатига кўчиб келган. Қанғ давлатининг кўчманчи аҳолиси чорвачилик, шаҳарлар ва уларнинг атрофида яшаган ўтроқ аҳоли эса деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Улар Буюк ипак йўлидаги халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларда муҳим ўрин тутганлар. Қанғ давлати ҳудудида жиддий миграцион жараёнлар содир бўлиб турган. Милодий V асрнинг 2-ярмида Қанғ давлати парчаланиб, унинг ҳудудида Шош (Ши), Самарқанд (Кан), Маймурғ (Ми), Каттақўрғон (Хэ), Усрушона (Цио) каби кичик давлатлар ташкил топган.

ҲУНЛАР³

Ҳунлар, Ҳуннулар – қадимда Марказий Осиёда шаклланган кўчманчи халқ. Ҳунлар бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд бўлган дилар таркибига кирган. Хитой манбаларида Ҳунлар турли даврларда 32 хил номда (квей, қўй, қўйфан,

³ Ўз.МЭ. 11-жилд. 394-395-бетлар.

қўйрунг, хуйин, ҳу, шюнюн, сюнну ва бошқалар) келтирилган. Баъзан улар бэйди (шимолий турк) деб ҳам аталган. Олимлар ўртасида Ҳунлар этноними кун (қуёш) сўзидан келиб чиққан, деган фикр мавжуд. Япония олимларининг фикрича, «шюнну» – «кун» сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у тангри фарзанди, кунга (қуёшга) топинган одам, халқ каби маъноларга эга бўлган. Аммо хитойлар шюнну атамасини ёзишда «даҳшатли қул» маъносини англатадиган 2 иероглифни қўллашган. Хитой манбаларида Ҳун хоқонлиги ҳам Шюнну деб номланади. Ҳунлар саялар (қадимги хитойлар)нинг шимоли-ғарбидаги қўшнилари бўлиб, милоддан аввалги II-I минг йилликда ҳозирги Хэси йўлаги, Ордос яйловларида яшаганлар. Милоддан аввал III аср охирида Ҳунлар Моде хоқон бошчилигида дунху, юечжи, гяньгун (қирғиз), усунларни тор-мор қилиб, Хитойга бостириб кирганлар ва император Лю Банни ўлпон тўлашга мажбур қилганлар.

Милоддан аввалги I асрда Ҳунлар орасида ўзаро низолар келиб чиққан, натижада тобе эттирилган қабилалар улардан ажраб чиққан ва Хуханье тангрикут Хитойга номига вассал бўлиб қолган (милоддан аввалги 51-йил). Милодий I аср бошида Хитойнинг заифлашуви ҳунларга мустақилликни қайтариб олиш имконини берган, аммо 48 йил саккизта ҳун уруғи қайтадан Хитойга тобе бўлиб қолган, Жанубий Ҳунлар улардан тарқалган. Шимолий Ҳунлар 87–93 йилларда хитойлар, сяньбилар ва динлинлар иттифоқидан мағлубиятга учраганлар, лекин 93-йилдан кейин ҳам уларнинг бир қисми Мўғулистон чўлларида кўчманчилик қилиб юришган. Шимолий Ҳунларнинг бошқа қисми Ғарбга чекиниб, маҳаллий халқлар билан чатишиб, Европада гуннлар номини олган янги халққа асос солган. Шимолий Ҳунларнинг яна бир қисми Юебань (Яйпан) номи билан Еттисув ва Тарбағатайда ўтроқлашган. Уларнинг давлати V аср охирида теле қабилалари томонидан вайрон этилган. Ўрта Осиё ҳунларининг қолдиқлари – чуюе, чуми, чумугун ва чубанлар VI асрда Ғарбий турк хоқонлигига тобе бўлишган. Чуюе ва чумиларнинг тармоғи – шато қабиласининг



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2357> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2357> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2357>